

Аҳоли пунктлари ҳудудларини ободонлаштириш ва санитария қоидалари

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидалар вилоят маркази, шаҳарлар, туманлар марказлари ва бошқа аҳоли пунктлари ҳудудларида ободонлаштириш ва санитария қоидаларини белгилайди.

2. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

уй-жой фонди - инсон яшаши учун яроқли бўлган турар жойдан, шу жумладан уйлар, квартиралар, хизмат турар жойлари, махсус уйлардан (ётоқхоналар, вақтинчалик уй-жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлар, шунингдек болалар уйлари ва бошқа. махсус мақсадли уйлардан) иборат бўлган фонд.

турар жойлар – уйлар, кўп квартирали уйлардаги квартиралар, бошқа иморатлардаги яшаш учун мўлжалланган хоналар ва ўзга турар жойлар.

хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати (кейинги ўринларда – ХУЖМШ) кўп квартирали битта ёки яқин, зич жойлашган, ободонлаштириш элементлари бўлган умумий ер участкаси билан қамраб олинган бир нечта уйдаги хусусий турар жойлар мулкдорларининг бирлашмаси.

ободонлаштириш - аҳоли ҳаёти учун қулай ва маданий шарт-шароитларни яратиш мақсадида ҳудудларни муҳандислик жиҳатидан тайёрлаш, йўллар қуриш, ҳудудларни тозалаш, захини қочириш, кўкаламзорлаштириш ва ирригациялаш тадбирларини амалга ошириш, микроиқлимни яхшилаш, ҳаво ҳавзаси, очиқ сув ҳавзалари ва тупроқни ифлосланишдан ҳимоя қилиш, у ёки бу ҳудудни қурилиш учун яроқли ҳолга келтириш ва белгиланган мақсадда нормал фойдаланиш, амалга ошириладиган шовқинлар даражасини камайтириш ишларининг йиғиндиси;

ободонлаштириш объектлари - кўчалар, тор кўчалар, йўллар, марказий майдонлар, йўлкалар, кўприклар, аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва уларнинг дам олишлари учун фойдаланиладиган объектлар (маданият ва истироҳат боғлари, боғлар, хиёбонлар), ирригация тизими;

чиқиндилар - ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш жараёнида хом ашё, материаллар, хوماки маҳсулотлар, бошқа буюмлар ёки маҳсулотларнинг ҳосил бўлган қолдиқлари, шунингдек ўзининг истеъмол хусусиятларини йўқотган товарлар (маҳсулотлар);

қурилиш чиқиндилари - қурилиш, тиклаш, таъмирлаш ва турар жой уйларини, маъмурий биноларни, кўп қаватли уйнинг хонадонларини бузиш ишлари чоғида вужудга келадиган чиқиндилар.

II. Ободонлаштириш объектларини сақлашга доир талаблар

1. Вилоят ҳудудидаги барча жисмоний ва юридик шахслар тозалikka ва тартиб-интизомга риоя қилишлари шарт.

2. Аҳоли яшаш мавзелари, маҳаллалар, кўчалар, майдонлар, кўприклар, ер ости ўтиш йўллари, йўлқалар, боғлар, хиёбонлар, майдонлар ҳамда бўш турган ер майдонларини чиқинди ва қор уюмларидан тозалаш — ушбу қоидаларда белгиланган тартибда тегишли корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ХУЖМШлар, ижарачилар, уй эгалари ёки махсус кўрсатма билан ушбу ҳудудга бириктирилган ташкилот зиммасига юкланади.

3. Корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳамда уй эгалари эгаллаб турган бинолар атрофидаги ҳудудда қуйидагиларни бажаришга мажбур:

- йиғилган чиқиндиларни махсус ажратилган жойларга вақтида чиқариб ташлашни таъминлаш;

- қиш пайтларида теварак-атрофни қор уюмлари, муздан ўз вақтида тозалаш, балконлар ва бино карнизларини сумалаклардан тозалаш, ёмғир сувларининг йиғилишига йўл қўймаслик, ёз пайтларда озодаликни таъминлаш;

- бинонинг асфальт кўчагача ёхуд асфальтланмаган кўчанинг ўртасигача, кўприкларни, ариқларни, йўлка ва йўлакларни, гулзорларнинг марзасигача тозалаш;

- кўча ҳудудида ёки йўл тармоғининг бошқа жойларидаги ҳайвонларнинг жасадини олиб ташлаш;

- теварак-атрофларни саранжом-саришталаш ишларини баҳор ва ёз ойларида эрталаб соат 6⁰⁰ гача, куз-қиш мавсумида эса эрталаб соат 7⁰⁰ гача тугаллаш ҳамда бутун кун давомида озодаликни таъминлаб туриш;

- корхона бинолари ва уйларни саранжом-саришта тутиш, ўз вақтида таъмирлаб туриш, биноларнинг фасад қисмини бўйлаш;

- корхоналарнинг ҳудудларида махсус ажратилган жойларда чиқинди йиғиш кутиларини ўрнатиш. Чиқиндилар соат 21⁰⁰дан соат 7⁰⁰гача олиб чиқилиши шарт, соат 7⁰⁰дан соат 21⁰⁰га қадар кўчага чиқиндиларни чиқариш тақиқланади, чиқинди йиғиш кутилари ҳудудий махсус корхоналар томонидан ёз кунларида ҳар куни, қиш ойларида эса 3 кунда камида бир мартаба тозаланиши керак;

- чиқинди йиғиш кутилари қўйилган майдончалар мунтазам равишда тозаланиб, дезинфекция тадбирлари амалга оширилиб турилиши шарт. Тураржой мавзеларида, бу иш ҳудудий махсус корхоналар томонидан, яқка тартибда қурилган уйларда — уй эгалари томонидан, корхона ва муассасаларда — маъмурият томонидан бажарилиши лозим;

- кўчаларнинг қатнов қисмини, майдонлар ва жамоат транспорти бекатларини (сўнгги бекатдан ташқари) тозалаш (ювиш, сув сепиш, чиқинди, қор ва муздан тозалаш) туман ободонлаштириш бошқармалари, тегишли ихтисослаштирилган бошқармалар ҳамда жамоат транспорти бекатини ижарага олган ташкилотлар (фуқаролар) томонидан бажарилади;

- қурилаётган биноларни ва уларга туташ ҳудудларни тозалаш қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилади;

- шахсий уйлари бўлган фуқароларга маиший чиқиндиларни олиб чиқиб ташлаш ҳақи, ҳар бир оила аъзосига белгиланади, йирик ва майда шохли чорва моллари, чўчка ва парранда боққан кишилар томорқасидан, боғидан гўнг, чиқиндилар, қурилиш чиқиндиларини ташиб кетганлик учун белгиланган тартибда ҳақ ундириб олинади.

- ХУЖМШ, ётоқхона бинобандлари, корхона, муассаса, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг раҳбарлари, ижарачилар, қурувчилар бинолари ва қурилишлари тўғрисида йўлкаларнинг ҳар 50 метр оралик масофасида махсус белгиланган майда чиқиндиларни йиғиш қутиларини ўрнатишлари ва уларни ўз вақтида тозалаб туришни таъминлашлари шарт.

4. Ихтиёрларида уй-жойлар, маъмурий ва ишлаб чиқариш бинолари бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари, ХУЖМШ раислари, шунингдек шахсий уйлари бўлган фуқаролар қуйидаги талабларни бажаришлари шарт:

- биноларга кўрсатгич ёрлиқлари ва уйнинг тартиб рақами ёзилган пешлавҳалар илиб қўйиш;

- ҳовлилар, кўп қаватли уйларнинг йўлакларини, кўчаларни электр чироқлари билан ёритилишини доимий равишда таъминлаш, қоронғи тушиши билан уларни ёқиб қўйиш;

- ҳар бир уйнинг кўча томонида ер ариқ ёки бетонланган ариқлар қуриб оқова сувларни тўсиқсиз оқиб ўтишини, мавжуд ариқларни эса озода сақланишини таъминлаш.

5. Савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, шу жумладан, дорихоналар ўз объектларининг фасад қисмини, теварак-атрофларини тоза ва тартибли бўлишини таъминлашлари шарт, ноқонуний эълонларни жойлаштириш тақиқланади.

6. Автомобиль хўжаликларига тегишли шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар барча транспорт воситалари кўчаларга тоза, бенуқсон ҳолда чиқарилиши, автобусларни кундалик равишда автокорхонанинг махсус белгиланган жойларида ювиб - тозаланишини таъминлашлари зарур. Жамоат жойларида, хусусан белгиланмаган ҳудудда ҳамда кўча ва йўлларнинг қатнов қисмида транспорт воситаларини ювиш тақиқланади.

7. Темир йўллар ҳамда кириш йўллари, шаҳар (туман) ҳудудидаги темир йўллар, темир йўлдан ўтиш жойлари, шунингдек “Самарқанд вокзали”нинг олди майдонини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалаш ишларини амалга ошириш темир йўл маъмурияти ёки у билан шартнома тузган бошқа корхона томонидан амалга оширилади.

8. Қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган пайтларда қурилиш майдонлари деворлар билан тўсилиши, пиёдалар йўлаклари тўсилиб қолган тақдирда ушбу девор ёқалаб кенглиги камида 1,5 метр бўлган панжарали тахта йўлак ўрнатилиши, шунингдек темир-бетон ётқизилган кириш йўли ускуналаниши, кўчаларни ифлослантирмаслик учун машиналарни тозалайдиган, қурилиш чиқиндилари ва тупроқни намлайдиган мослама бўлиши лозим.

9. Кўчаларни ифлос қилиши мумкин бўлган юклар, қурилиш чиқиндилари, кум ва тупроқ фақат махсус жиҳозланган юкмашиналарда намланган ҳолда ташилиши шарт. Кўчаларни ифлослантириш ҳолларининг олдини олиш мақсадида, бундай юклар ортилган юкмашиналар устини брезент билан ёпиш тавсия этилади.

10. Ҳудудларни кузги - қишки мавсумда тозалаш ишлари 1 октябрдан 1 мартгача белгиланади. Бунда, кўчаларни хазондан, қор уюмлари, муз, чиқинди, лойдан тозалаш, зарур бўлиб қолган тақдирда кўчаларнинг қатнов қисмига ҳамда йўловчилар учун йўлчаларга кум ва туз сепиш ишларини бажариш кўзда тутилади.

11. Кўчалар, майдонлар, хиёбонлар ва йўловчилар учун йўлчаларни қор уюми ва музлардан тозалаш ишлари қор тушиши биланоқ бошланади. Бу ишлар транспорт ҳамда йўловчиларнинг бемалол қатновини таъминлаш учун даставвал марказий кўчалардан, автобус станциясига борадиган йўллардан бошланади.

12. Кўчаларни қатнов қисмига, майдонларга, чорраҳаларга қияликларга механизациялашган усулда кум ва туз сепиш ишларини бажариш ободонлаштириш бошқармалари томонидан режали равишда амалга оширилади.

13. Қуйидагилар ман этилади:

- кўчалар, йўллар, марказий майдонлар, йўлчалар, кўприклар, йўловчилар ўтадиган ер ости йўллари, сув ҳавзаларининг қирғоқлари, аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини ва ҳордиқ чиқаришини қондириш учун фойдаланиладиган объектлар (маданият ва истироҳат боғлари, боғлар, бульварлар, хиёбонлар)га барча турдаги чиқиндиларини ва оқова сувларни ташлаш;

- ташқи ва алоҳида қисмлари ҳудуднинг тозаллиги ва кўрки талабларига жавоб бермайдиган даражада ифлосланган ёхуд кўча ва йўлларни ифлослантириш эҳтимолига эга транспорт воситаларининг шаҳар бўйлаб ҳаракат қилиши;

- уйлар ҳамда жамоат жойларнинг олд томонларига яшил тўсиқдан ташқари ҳар қандай тўсиқлар ўрнатиш;

- кўча томонга қаратилган балконларга ҳар хил рўзғор буюмларини илиш ва қўйиш;

- кийим-кечак, гилам, кўрпа-тўшак сингари буюмларни рухсат этилмаган жойларда қуриштириш, тозалаш ва чангини қоқиш;
- белгиланмаган жойларга эълон, ахборот ва рекламаларни ёпиштириш, бинолар фасадига ноқонуний ахборот ва реклама воситаларини жойлаштириш;
- ариқларга ҳовузлар қазииш, ҳар хил тўсиқлар ташлаш, уларга сувда яшовчи паррандаларни қўйиб юбориш, кир ювиш, мағзава оқизиш уй ҳайвонларини чўмилтириш;
- кўчалар, боғлар, майдонлар ва ҳовлиларда супуринди ва хазонларни ёқиш;
- кўча ва йўлчаларни қазииш, гишт қуйиш ҳамда қурилиш материалларини уйиб қўйиш;
- сув сепмасдан кўча, тротуар ва ҳовлиларни супуриш;
- белгиланмаган жойларда, норасмий равишда озиқ-овқат ва саноат моллари, уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечак ва пойафзал сотиш;
- фуқаролар томонидан ноқонуний равишда озиқ-овқатлари (таомлар, салқин ичимликларни ва ҳоказо) сотиш.

Савдо, умумий овқатланиш корхоналари ва бошқа ташкилотлар томонидан кўчалар, майдонлар ва йўлчаларда саноат моллари, сабзаёт-мева ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш ташкил қилинганда, ҳокимлик томонидан расмийлаштирилган тегишли рухсатнома бўлиши ҳамда санитария-гигиена ва савдо қоидаларига қатъий риоя қилиниши керак.

III. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш

1. Яшил ниҳоллар кимга қарашли бўлишидан қатъи назар, улар дахлсиз яшил фонд ҳисоблансин. Яшил бойликни парваришлаш ва сақлаш ишига бутун аҳоли жалб этилиши керак.

2. Дарахт ва гул кўчатларини уларнинг тури ва навига оид талабларга риоя қилган ҳолда экиш, сақлаш ҳамда парвариш қилиш масъулияти:

а) боғлар, хиёбонлар, майдонлар ҳамда кўчаларда — шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари;

б) маданият ва истироҳат боғларида — мазкур боғларнинг раҳбарлари ҳамда Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари;

в) уйларда эшик олдида кўчанинг қатнов қисми ва ҳовлиларда ХУЖМШнинг раислари, маҳалла раислари, уй эгалари ҳамда ижарачилар;

г) корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳудудларида — уларнинг маъмурияти зиммасига юклатилсин.

3. Қурилиш, таъмирлаш ва бошқа корхона, муассаса, ташкилотларнинг раҳбарлари, қурилиш, ер участкасини - режалаштириш ҳамда бошқа ишларни яшил ҳудудларда олиб бориш учун ниҳоллар атрофини тўсиқлар билан ўраб, муҳофаза қилишлари, дарахт илдизларини очиб ташламасликлари, ниҳолларни ҳамда суғориш шохобчаларини тупроқ ва ҳар хил қурилиш чиқиндилари билан кўмиб юбормасликлари зарур. Қурилиш учун ажратилган ҳудудлардаги мавжуд яшил

бойликни бошқа жойга кўчириш зарурати бўлганда эҳтиёткорлик билан иш тутиб, барча зарур чораларни кўриши ҳамда бу ишни Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва ободонлаштириш бошқармалари билан келишилган ҳолда амалга ошириши лозим.

Йўл ва йўлчаларнинг қурилиши пайтида дарахтларнинг атрофида диаметри 1,5 метрдан кам бўлмаган бўш жой қолдириш зарур.

4. Ободонлаштириш бошқармалари дарахтлар ва буталарнинг шох-шаббаларини ўз вақтида кесиб туришлари, уларга шакл беришлари керак.

Дарахтларни кесиш, уларга шакл бериш, кавлаш, гидротехника иншоотлари ва кўкаламзорлаштириш бўйича ихтисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш бошқармаси томонидан корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар буюртмасига биноан, уларнинг ҳисобига амалга оширилади.

5. Зарарлантирилган ёки нобуд қилинган ҳар бир туп дарахт учун айбдор шахсга, ҳокимлик томонидан ажратилган жойда 10 туп кўчат ўтказиш ва йил бўйи парвариш қилиш вазифаси жорий этилсин.

6. Қуйидагилар ман этилади:

а) дарахтларни, буталарни синдириш, уларни тилиб, ўйиб ёзиш, беланчак осиш, арқонлар, сим боғлаш, михлар қоқиш, мевалар, шох-шаббалар, гулларни узиш, дарахтларнинг шарбати ва елимини олиш, майсазорлар устидан юриш, дарахтларга эълон, ахборот ва рекламаларни осиш;

б) аҳоли яшаш мавзеларида, болалар боғчалари ва мактаб майдонларидаги ўтиргичлар, қутилар, чироқлар, панжараларни бузиш, боғлар ва хиёбонлардаги шу каби буюмлар ва ускуналарни бузиш ёки кўчириш;

в) Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ободонлаштириш бошқармалари, шаҳар ва туман ҳокимликларининг руҳсатисиз дарахт ва буталарни, шу жумладан қуриб қолган ва касалланган дарахт кўчатларини жойидан қўзғатиш, кавлаб ташлаш, кесиш ва шакл бериш;

г) турар жой бинолари оралиғи ва хусусий хонадонлар атрофидаги ҳудудларни сабзаёт-полиз экинлари экиш майдонларига айлантириш;

д) кимёвий моддалар, саноат чиқиндилари билан ифлосланган сувлар ва бошқа зарарли моддалар ҳамда суюқликларни кўчатлар тагига ёхуд унинг атрофларига тўкиш.

IV. Кўчаларни ёритиш, электр тармоқлари ва алоқа тармоқларини муҳофаза қилиш

1. Кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, турар жой мавзелари ҳудудларидаги барча ёритиш воситалари (кабель тармоқлари, устунлар, чироқлар, симлар, иллюминациялар, бошқарув шкафлари, ёритиш рекламалари, трансформатор подстанциялари) шаҳар (туман) электр хўжалиғи ҳисобланади ва уларга электр ёритиш идораси ҳамда электр тармоқлари корхонаси ва идоралар томонидан хизмат кўрсатилади.

2. Йўллар, майдонлар, хиёбонлар, бино ва иншоотлар, турар жой мавзелари барпо этиш пайтида шу ишга мутасадди бўлган барча қурувчи ташкилотлар қуйидагиларга риоя этишлари шарт:

а) электр тармоқлари корхонаси ҳамда электр ёритиш идораси билан келишилган ҳолда ажратиб берилган ҳудудда ёритиш воситалари ўрнатиш ҳамда уни марказлашган усулда бошқаришни таъминлаш;

б) кучланиш кабеллари, алоқа кабеллари, чироклар, ёритиш шкафлари, светофор кабеллари, транспунктлар бўлган жой яқинида барча турдаги ишлар электр тармоқлари корхонаси, телефон тармоқлари идораси, электр ёритиш идораси, Ички ишлар бошқармасининг Йўл ҳаракат хавфсизлиги хизмати билан келишилган ҳолда бажарилади.

Иш бошланишидан олдин назорат қилиш мақсадида, ушбу ташкилотларнинг вакиллари таклиф этиш лозим.

Ер-тупроқ ишлари олиб бораётган корхона ва ташкилотлар ана шу ишларни бошқариш юзасидан тузилган техникавий ҳужжатларда қайд этилмаган ер ости инженерлик коммуникацияларига дуч келганда, ишни дарҳол тўхтатиб коммуникацияларга зарар етказмаслик учун барча чораларни кўришлари ва бу ҳақда юқорида номлари кўрсатилган ташкилотларга зудлик билан маълум қилишлари зарур.

3. Электр узатиш, ҳаво алоқа ва радио линиялари габаритлари жойини алмаштириш ёки ўзгартириш электр кабелларини қайта ўрнатиш, ёхуд уларни механик равишда зарарланишдан муҳофаза этиш ишлари алмашинуви ишга манфаатдор бўлган ташкилотлар ҳисобидан эксплуатация қилувчи ташкилотлар билан келишилган ҳолда ва улар раҳбарлиги остида амалга оширилади.

4. Кучланиш кабеллари, алоқа кабеллари, шунингдек, кўчага ёритиш ускуналари ўрнатиш ёки таъмирлаш билан шуғулланадиган корхона ёки ташкилотлар иш олиб борилаётган ҳудудда транспорт ва пиёдалар қатнови хавфсизлигини таъминлашлари, Ички ишлар бошқармасининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари эса, уни назорат қилиб туришлари керак.

5. Қуйидагилар ман этилади:

а) сим ёғоч, трансформатор пунктлари, светофорлар, ёритишни бошқариш шкафлари ёнига чиқиндиларни тўплаш;

б) кабелли электр линиялари трассалари, алоқа ва светофор линияларига қурилиш чиқиндиларини ташлаш, захарли суюқликлар (кислота, ишқор сув кабилар) ни тўкиш, қозиқ қоқиш турли хил нарсаларни уюлган ҳолда қўйиш;

в) нур тақсимлагич воситалари ҳамда кўча ёритиш тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш;

г) чирокларни, лампаларни, йўл белгилари, симёғочларни, шкафларни, кронштейнларни светофор ва радио карнайларни ўз холича олиб қўйиш ва ўрнатилган ҳолатидан бошқа томонга буриб қўйиш;

д) кучланиш кабеллари трассаларини, автотранспортларнинг электр узатиш устунларига, чироқларга, транспунктларга, светофорларга, бошқариш шкафларига, бошқа йўл белгилари ёнига келиш йўллари тўсиб қўйиш, яшил ниҳоллар ўтказиш, экин экиш натижасида светофор қурилмалари ва йўл белгиларини кўринишини чеклаш.

б. Қоиданинг ушбу бўлимининг бузилиши ёки қўча ёритиш тизими ишдан чиқиб қолган ҳолларда бу тўғрида шаҳар (туман) ёритиш идорасига, турар жой ва жамоат биноларида электр қуввати бўлмайд қолган тақдирда —электр тармоқларини тузатиш бўлимига, светофорлар иши бузилган ҳолда эса Йўл ҳаракат хавфсизлиги хизматига хабар қилиниши керак.

V. Ер ости коммуникацияларини ўтказиш

1. Ер ости инженерлик тармоқлари, транспорт ва гидротехника иншоотлари, йўл, тротуарларни қуриш, қайта қуриш ва капитал таъмирлаш, геология-қидирув мақсадларида қудуқлар қазиб ишларини олиб бориш, ёритиш мачталари, ҳар хил устунлар ҳамда геодезияга оид белгилар ўрнатиш бўйича ишлар ҳокимликнинг махсус комиссияси рухсати билан Ободонлаштириш бошқармасидан ордер олгандан кейингина амалга оширилади. Бу турдаги ишлар Ободонлаштириш бошқармаси томонидан назорат қилинади.

2. Қурилиш-монтаж ташкилотларининг раҳбарлари бундай ишга рухсатнома олишлари учун буюртмачи билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

а) ер ости коммуникациялари ётқизиш ва ишни ташкил этишнинг архитектура ва қурилиш органлари тасдиқлаган ва мазкур ишдан манфаатдор бўлган ташкилотлар билан келишиб олинган лойиҳа ҳужжати;

б) ишларни бажариш тартиби;

в) бажариладиган ишлар учун ишчи кучи, материал, механизмлар билан тўла таъминланганлиги, иш жараёнида ободонлаштириш элементлари (асфальт, йўл ётиқ чизиқлари, ирригация, ёритиш, кўкаламзорлаштириш ва бошқалар) бузилган тақдирда, уни қайта тиклаш муддати қайд этилган кафолатнома;

г) ишлар махсус йўналишдаги трассаларда олиб борилганда мутасадди ташкилотлар билан келишиш.

3. Ишни бажарувчиларда объектда бевосита иш олиб бориш ҳуқуқи кўрсатилган ордер бўлиши, қандай ишни ким бажараётганлиги, ишни бошланиши, тугатиш муддати кўрсатилган ёрлик пештахта ўрнатиб қўйиши керак.

4. Янгидан қурилган тармоқни ишлаб турган тармоққа улаш (узиш) бўйича ишларни амалга ошириш учун ордерни янги линия қурилишида бош пудратчи бўлган ташкилот қилади.

5. Ер ости ишларини бажараётган қурилиш ва буюртмачи ташкилот раҳбарлари хавфсизлик элементларини ўрнатишда Йўл ҳаракат хавфсизлиги хизматининг рухсати билан ишга туширишлари, шунингдек объектда иш

бошланишидан олдин муҳандислик коммуникацияларини эксплуатация қилувчи ташкилотлар вакилларини чақиришлари керак.

6. Коммуникация ўтказиш пайтида йўл усти қопламаларини бузишга тўғри келган ҳолда, ана шу қопламларни қайта тиклаш қуриш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

7. Материалларни ва майдондаги ортикча тупроқларни ташиб кетиш, шунингдек, қатнов йўл устидаги қопламларни қайта тиклаш иш тугаганидан сўнг 24 соат давомида амалга оширилади.

8. Ишлаб турган газ трубалари, водопровод, канализация, электр кабел линияларида аварияларни бартараф этиш ишларини истисно тарзида ордерсиз ёзма равишда Йўл ҳаракат хавфсизлиги хизмати билан келишилиб ҳамда Ободонлаштириш бошқармасини ўрнатилган тартибда хабардор қилиб амалга ошириш мумкин.

9. Объектда ишлар тугагандан сўнг, у ҳокимликнинг комиссиясига тақдим этилади. Комиссия мазкур объектда ободонлаштириш элементлари (йўл, тротуар, ариқлар, ирригация шохобчалари, кўкаламзорлаштириш ва ҳоказо) бажарилганлигини тасдиқловчи далолатнома тузади.

10. Авария бартараф этилгандан кейин, ана шу жойга асфальт ётқизиш ёки ободонлаштиришнинг бошқа элементларини бажариш муҳандислик коммуникацияларидан фойдаланиш ташкилотлари билан 1 йил муддатга тузилган шартномага мувофиқ (объект қаерга жойлаштирилганлигига қараб) Ободонлаштириш бошқармаси ва махсус йўл эксплуатацияси идораси томонидан амалга оширилади.

11. Қурилиш ташкилотлари, берилган қарор бўйича ишларини олиб бориш тартиби ва муддатини бузган тақдирда, комиссия ана шу ташкилотга бошқа янги иш бошланишига рухсатнома бермасликка ҳақли.

VI. Яқунловчи қоидалар

1. Ушбу қоидаларни бузган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 161- ва 162-моддаларига асосан маъмурий жавобгарликка тортиладилар.